

Нега Ислом дини
кофирларга ўхшашни
таъқиқлаган?

[Ўзбекча – Uzbek – الأوزبكي]



www.islamqa.info "Умумий
СОНИ



Таржима: Абу Жаъфар Бухорий

Таҳрир: Абу Абдуллоҳ Шоший

لماذا حرم الإسلام تشبه المسلمين بالكفار؟



موقع الإسلام سؤال وجواب

www.islamqa.info

ترجمة: أبو جعفر البخاري

مراجعة: أبو عبد الله الشاشي

Нега Ислом дини
кофирларга ўхшашни
таъқиқлаган?



Савол:

Нега Ислом дини мусулмонлар учун кофирларга менгзашни таъқиқлаган?

Жавоб:

Алҳамдулиллаҳ ...

Бошқаларга ўхшашлик одамзот нафсига ташқаридан кириб келадиган ҳолат бўлиб, ўхшаган одамнинг кимга ўхшаган бўлса ўшанга чуқур муҳаббати борлигини ифодалайди. Кўпинча, бу, иллатли кўриниш бўлади. Шариат бу ҳолат — «Мусулмонлар-

нинг кофирларга менгзаши»га катта эътиборни қаратди ва Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам уни бутунлай ҳаром қилиб: **«Ким бир қавмга менгзаса, бас, у, улардан биридир»**, дедилар (Абу Довуд, 4103). Аллома Албоний раҳимаҳуллоҳ бу ҳадисни «Саҳиҳу Аби Довуд» асарида саҳиҳ деди.

Шайхулислом Ибн Таймийя раҳимаҳуллоҳ айтди: Ушбу ҳадис менгзаган одамнинг ўзини ўхшатган одамга ўхшатишини ҳаром қилишини тақозо этадиган даражадаги «яхши» ҳолати бўлсада, унинг зоҳири менгзаган одамнинг кофир бўлишини тақозо этади. Чунки Аллоҳ таоло:

«Сизлардан ким уларга дўст бўлса, бас, у ўшалардандир», – деган (Моида: 51).

Бу оятни мутлақ ўхшашликка ҳам истеъмом қилиш мумкин бўлиб, у, куфрни ифодалаб, унинг бўлакларининг ҳаромлигини тақозо этади. Ҳатто баъзида менгзаган одамнинг кимга нақадар ўхшаган бўлса, ўшанча муштарак эканини билдиради. Яъни, менгзаши куфрда ёки гуноҳда ёхуд аломатда бўлса, менгзаган одамга ҳам ўша ҳукм берилади. Ҳар қандай ҳолатда ҳам бу оят менгзашни таъқиқлайди («Иқтизоус сиротим мустақийм» китобидан қисқартириб олинди: 2/270, 271).

Мусулмонларга кофирларга ўхшашни таъқиқлашнинг ҳикматларини

менгзашнинг зарарлари ва унинг ёмон осорларида Ҳис этиш мумкин.

Шу осорлардан:

1- Муслмоннинг кофирга менгзаши, муслмоннинг кофирнинг кўришини ўзидан устун кўришига далолат қилади. Бу, муслмоннинг ички дунёсида Аллоҳнинг шариати ва хоҳишига оз бўлсада эътироз борлиги туфайлидир.

Эркакшода аёл, Аллоҳ яратган ўз жинсидан норози ва унга қарши бўлган бўлади. Бинобарин, муслмон ҳам кофирга ўхшаса, кофирнинг кўришини Аллоҳ ҳурмат қилган ва бўлишига буюрган амридан кўра яхшироқ деб эълон қилган бўлади.

2- Бошқаларга менгзаш ироданинг кучсизлиги ва руҳий мағлубиятга далолат қилади. Шариат эса мусулмонларнинг бундай мағлубиятни, гарчи ҳаётда воқеъ бўлган бўлсада, эълон қилишларига рози бўлмайди.

Зеро мағлубиятни эътироф этиб эълон қилиш, кучсизнинг заифлиги, кучлининг эса қудратини кучайтиради. Бу эса кучсизнинг оёққа туриши ва ўз йўлини тuzатиб олиши олдида Ғов бўлиб туради.

Шу боис бўлса керак, ҳар бир халқ ичидан етишиб чиққан оқил инсонлар халқларининг душманларига тақлид қилишларига норози бўлишади. Ҳатто, душманларининг ўзлариники-дан кўра яхшироқ мерослари, анъ-

аналари ва либослари бўлишига қарамай ўзларининг мерослари, анъаналари ва либослари билан ажралиб туришни юракдан ишташади. Чунки улар олис руҳий ва ижтимоий уфқларни кўзлайдилар ва бу билан душманга сиёсий қарам бўлиб қолишдан огоҳ қиладилар.

3- Ташқи кўринишдаги ўхшашлик, кўнгилдаги муҳаббат ва дўстликни келтириб чиқаради. Зеро одамзот ўзи суйган одамга ўхшагиси келади. Муслмонлар эса кофирлардан бир неча турдаги безорликка буюрилганлар. Аллоҳ таоло айтди:

«Мўминлар мўминларни қўйиб, кофирларни дўст тутмасинлар! Ким шундай қилса, бас, Аллоҳга ҳеч нарсада эмас (яъни Аллоҳга бегона-

дир). Магар улардан эҳтиёт бўлиб турсаларингиз (юзаки муомала қилсангиз жоиздир), Аллоҳ сизларни Ўзининг (азобидан) огоҳ қилур. Ва фақат Аллоҳга қайтажаксиз» (Оли Имрон: 28);

«Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирадиган қавмнинг Аллоҳ ва Унинг пайғамбари чизган чизиқдан чиққан кимсалар билан — гарчи улар ўзларининг оталари, ёки ўфиллари, ёки офа-инилари, ёки қариндошуруфлари бўлсалар-да — дўстлашаётганларини топмассиз» (Мужодадала: 22).

Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Иймон асосларининг энг мустаҳками: Аллоҳ йўлида дўстлашиш ва Аллоҳ йўлида душман

тутиш, Аллоҳ йўлида суюш ва Аллоҳ йўлида нафратланишдир» (Табароний ривояти. Аллома Албоний «ас-Силсилатус саҳиҳаҳ»да (998) бу Ҳадисни саҳиҳ деди).

Шайхулислов Ибн Таймийя раҳимаҳуллоҳ «Иқтизоус сиротим мустақийм» китобида (1/549) шундай деган: «Ташқи кўринишдаги ўхшашлик ички дунёда дўстлик, муҳаббат ва дўстлашишни келтириб чиқаради. Бинобарин, ички дунёдаги муҳаббат ҳам ташқи кўринишдаги ўхшашликни келтириб чиқаради. Буни ҳис этиш узвлари ва тажрибалар кўрсатиб турибди».

Кофирларга ўхшашлик диннинг ушбу асоси — кофирлардан безор

бўлиш ва улардан нафратланишни заифлатади.

4- Кофирларга ташқи кўринишда ўхшаш бундан кўра хатарлироқ нарсага олиб боради. У ҳам бўлса, ички дунёда кофирларга менгзашдир. Бунинг оқибатида, банда, кофирлар эътиқодидек эътиқод қилади, уларнинг йўллари ва фикрлари тақозоси билан ўйлай бошлайди. Демак, ташқи кўриниш билан ички дунё ўртасида мустаҳкам алоқа бўлиб, улар бир-бирига таъсир кўрсатади.

Шайхулислам Ибн Таймийя раҳимаҳуллоҳ «Иқтизоус сиротим мустақийм» китобида (1/548) шундай деган: «Зоҳирий ишлардаги ўхшашлик ва шаклдошлик ички дунёдаги

Ўғирлик ва хуфёна юксалиш асосида менгзашлик ва шаклдошликни келтириб чиқаради. Биз, мусулмонлар билан бирга яшаган яҳудий ва насронийларнинг бошқалардан кўра куфри озроқ, яҳудий ва насронийлар билан бирга яшаган мусулмонларнинг эса бошқалардан кўра иймони озроқ бўлганига гувоҳ бўлган-миз».

Ибн Қоййим раҳимаҳуллоҳ айтди: «Ташқи зийнатлардаги менгзаш, шариат, ҳис этиш узвлари ва ақл далолат қилганидек, ички дунёқарашдаги мувофиқликка чорлайди. Шу боис шариат (мўминларга) кофирлар, ҳайвонлар, шайтонлар, аёллар ва аъробийларга ўхшашни таъқиқлади» (ал-Фурусийях, 122).

Айтиб ўтганларимиз шариатнинг мусулмонларга мушрикларга ўхшашликни ҳаром қилган айрим зоҳирий ҳукмлар, холос. Мусулмон Аллоҳ таолонинг ҳукмларига итоат этиши, Аллоҳ таоло бандаларини дунё ва охирада ҳикмат, манфаат ва саодати бўлган нарсаларгагина буюрган эканига ишониши керак.

Манба: Ҳикмат нури веб саҳифаси

